



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги
«Пиллаччилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги ПК-3616-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги
«Пиллаччилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги ПК-3616-сонли қарори ижросини таъминлаш
мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРАР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
20 мартдаги «Пиллаччилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича
кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-3616-сонли қарори ижро
учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қороридаги
қарори билан қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб
чиқариш маркази тизимидати Ипақчилик илмий-тадқиқот институтини
«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси мурасислигида мурасаса шаклидаги
Ипақчилик илмий-тадқиқот институти этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги
тақлифи маъқуланганлиги;

б) Қуйидагилар:

пиллаччилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларининг стратегик
йўналишлари ва истиқболли мавзуларини белгилаш, соҳани жадал
ривожлантириш ва юзага келадиган долзарб муаммолар бўйича
илмий изланишлар олиб боришни ташкил этиш бўйича услубий
ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

селекция ютуқларини кенг синовдан ўтказиш, тут ипақ куртининг
зоти ва дуратайлари, тут дуратайлариининг бирламчи уруғлигини
ривожлантириш, хуудларнинг табиий иқлим шароитларини ҳисобга
олган ҳолда, илгор илмий ишланмалар ва интенсиив агротехнологияларни
ишлаб чиқаришга жорий этиш;

пиллаччилик тармоғидаги ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион
техника ва технологияларни жорий этиш, пиллага дастлабки ишлов
бериш ва уларни сақлаш усулларини такомиллаштириш, тажриба-
конструкторлик ишларини амалга ошириш;

пиллаччилик йўналишидаги фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар
ва инновацион ишланмалар бўйича дастурлар ишлаб чиқиш;

пиллаччилик тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этиш, соҳага онд семинар
ва тренинглар ўтказиш;

пиллаччилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш
бўйича хорижий мамлакатларнинг илмий-тадқиқот мурасасалари
билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш Ипақчилик илмий-тадқиқот
институтининг асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун
қабул қилинганлиги;

в) Ипақчилик илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмаси
1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раисига, зарурат бўлганда
Ипақчилик илмий-тадқиқот институти ташкилий тузилмасига унинг
ҳодимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартириш
қиритиш ҳуқуқи берилганлиги;

г) Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган
грантлар;

хўжалик юритиш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган тушумлар,
жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик маблағлари;

конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Ипақчилик
илмий-тадқиқот институти фаолиятини молиялаштириш манбалари
этиб белгиланганлиги;

д) Қуйидагилар:

2018 йилдан бошлаб, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, унинг айрим тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш асосида амалга оширилиши;

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг барча хўқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилаб қўйилганлиги;

е) Қуйидагилар:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг пиллачилик йўналишидаги фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар бўйича дастурлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси муассислари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланиши;

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг директори «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузурда ташкил этилган ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар Ипакчилик илмий-тадқиқот институти биносида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилиши инобатта олинганлиги;

ё) «Ўзбекипаксаноат» АЖ ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг «Ўзбекипаксаноат» АЖ таркибидagi ташкилотларга қарашли:

ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi ташкилотларга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга фойдаланиш учун бериш;

мавжуд тўтзор майдонларини кейинчалик «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi ҳудудий «Агропилла» МЧЖга бериш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захира ерларига топшириш тўғрисидаги тақлифи маъқулланганлиги;

ж) Қуйидагилар:

тўтзор майдонларида янги қуриладиган ва ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотлар ер солиғи, мулк солиғи, ягона ер солиғи ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобулғарчиллигининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлардан;

«Ўзбекипаксаноат» АЖ томонидан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi ташкилотларга фойдаланиш учун берилган ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотлар ер, мулк ва ижарачининг ижара ҳақига ҳисобланадиган фойда солиқларидан озод этилиши белгилаб қўйилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг ушбу қарорнинг 3-илоҳасидаги рўйхатга мувофиқ устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган пиллачилик тармоғи хўжалик жамиятларининг давлат улушларини «Ўзбекипаксаноат» уюшмасига самарали фойдаланишни ташкил этиш учун ишончли бошқарувга бериш тўғрисидаги тақлифига розилик берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой муддатда ушбу қарорнинг 3-илоҳасидаги устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган пиллачилик тармоғи хўжалик жамиятларининг давлат улушларини белгиланган тартибда «Ўзбекипаксаноат» уюшмасига ишончли бошқарувга берилишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Қорақалпоғистон Агро пилла» МЧЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2018 йилда янги тут плантацияларини барпо этиш ва ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни қуришнинг прогност параметрлари (кейинги ўринларда прогност параметрлар деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Қорақалпоғистон Агро пилла» МЧЖ туманлар ҳокимликлари зиммасига тасдиқланган прогност параметрларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Қорақалпоғистон Агро пилла» МЧЖ билан биргаликда тасдиқланган прогност параметрлар ижросини сўзсиз таъминлашни назарда тутувчи 2018 йилда тут плантацияларини барпо этиш ва ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни қуриш чора-тадбирлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Кенгашига киритиш топширилсин.

5. Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, «Қорақалпоғистон Агро пилла» МЧЖ туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир йилда 2-3 марта ипак қурти боқишни тизимли йўлга қўйиш учун янги тут плантацияларини барпо этиш ва ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни қуриш параметрларининг келгуси йилларда боқишма-боқишч ошириб борилишини таъминласин.

6. Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси «Қорақалпоғистон минтақавий пахта терминали» МЧЖ ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда «Ўзапахтасаноат» АЖ таркибидagi ташкилотлар томонидан туманлар ҳокимликларининг захира ерларига берилган тўзор майдонларини «Қорақалпоғистон Агро пилла» МЧЖга 20 кун муддатда белгиланган тартибда расмийлаштириб берилишини таъминласин.

7. Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли норматив ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида 20 кун муддатда Вазирлар Кенгашига тақдифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ж.Ҳожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил « 23 » мартдаги
201-сон қарорига
илова

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йилда янги тут плантацияларини барпо этиш ва ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни қуришнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Туманлар номи	Жами тут плантацияси, (амалда, га)	2018 йилда янги тут плантациясини барпо этиш (га)	Ипак қурти боқишга мўлжалланган иншоотларни қуриш (бирликда)
1	Турткул	473	15,0	2
2	Беруний	463,5	15,0	2
3	Элликқалъа	543,9	15,0	2
4	Амударё	669,2	20,0	2
5	Хўжайли	46,7	10,0	2
6	Тахиятош	61,1	5,0	
7	Шуманай		5,0	
8	Қанликўл		5,0	
9	Нукус		5,0	
10	Кегайли	6	8,0	1
11	Чимбой	13	8,0	1
	Жами	2276,4	111,0	12